**Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш бўйича**
ҲИСОБОТ

**1-боб. Умумий маълумотлар**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг (бундан буён матнда норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб юритилади) тартибга солиш таъсирини баҳолашни (бундан буён матнда ТСТБ деб юритилади) амалга оширувчи давлат орган ёки ташкилоти номи | Ўзбекистон Республикаси Далват активларини бошқариш агентлиги |
| 2. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури, номи ва реквизитлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори |
| 3. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганда тайёрланган ТСТБ бўйича ҳисобот ва ТСТБ тўғрисида хулосалар мавжудлиги тўғрисида маълумот | Мазкур қарор ТСТБ жорий этилишидан аввал ишлаб чиқилганлиги боис унинг лойиҳаси ТСТБдан ўтказилмаган |
| 4. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ТСТБдан ўтказиш учун асос | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-8-сон 09.01.2024 йилдаги Фармонига 2-илова билан тасдиқланган 2024 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш режасининг 15-банди. |
| 5. | Тартибга солиш таъсир кўрсатаётган объектлар ва/ёки субъектлар (манфаатдор томонлар) | Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар: акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва давлат корхоналари |

**2-боб. Тартибга солиш мақсадларига эришилганлиги ва натижадорлиги тўғрисида маълумотлар**

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида эришилган мақсадлар ва кўрсаткичлар:

| Лойиҳаси ишлаб чиқилган даврда қўйилган мақсадлар | Прогноз қилинган индикатив кўрсаткичлар | Қўйилган мақсадларга эришилганлиги тўғрисида маълумот | Эришилган индикатив кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Ҳисоблаш усуллари |
|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сон ва 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475 -сон қарорларига мувофиқ, шунингдек давлат мулкидан | Мазкур қарор ТСТБ тизими жорий этилишидан олдин ишлаб чиқилганлиги учун индикатив кўрсаткичлар | Республика бизнес-мактабида корхоналарнинг стратегик режалаштириш, молия менежменти, сотиш бозорини сегментлаштириш масалалари ва | Қабул қилинган Низом асосида минглаб давлат корхонасининг ҳуқуқий мақомини, давлат корхонасини, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти | Корхо-налар сони | Статистик маълумотлар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш. | прогноз қилинмаган | бошқа йўналишлар бўйича ўрта ва юқори бўғин менежерларини, шунингдек корхоналарнинг ички аудити хизматлари ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув-амалий дастур жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат корхоналари ва муассасаларини ҳисобга олиш ва уларнинг реестрини юритиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 08.05.2020 йилдаги 273-сон қарори). | хусусиятларини, муассиснинг, ижро этувчи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, давлат корхонаси билан унинг муассиси ўртасидаги мулкий муносабатлар тартибга солинди. Қабул қилинган Низом асосида активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган 1083 корхонада, шунингдек активларнинг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган 71 акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати ташкил этилди. | | |

| 7. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган ижобий ва салбий оқибатлар таҳлили: |
|---|---|
| **Ижобий** | **Салбий** |
| 1. Давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яхшиланди.<br>2. Корхоналарнинг стратегик режалаштириш, молия менежменти, сотиш бозорини сегментлаштириш масалалари ва бошқа йўналишлар бўйича ўрта ва юқори бўғин менежерларини, шунингдек корхоналарнинг ички аудити хизматлари ходимларини тайёрлаш бўйича таълим тизими вужудга келди.<br>3. Давлат корхоналари ва муассасаларини ҳисобга олиш тизими такомиллаштирилди.<br>4. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив бошқариш тизими унинг янги бўғинларини ташкил қилиш орқали мустаҳкамланди.<br>5. Давлат корхонасининг ҳуқуқий мақоми аниқланди, давлат корхонаси, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти хусусиятлари тартибга солинди, муассиснинг, ижро этувчи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат корхонаси билан унинг муассиси ўртасидаги мулкий муносабатлар тартибга солинди.<br>6. Корпоратив бошқарувнинг ўзбек модели корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий | 1. Норматив-ҳуқуқий хужжат матнида эскирган тушунчалар ва ҳолатларнинг сақланиб қолиши ундан амалиётда фойдаланиш имкониятларини чеклайди. Масалан, 3-иловада:<br>- 3-банд тўртинчи хатбошида, 5-бандда “Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси” тилга олинган;<br>- 6-банд биринчи хатбошида “Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази” каби эскирган номланишлар қолиб кетган. Ваҳолангки, ушбу қўмита бошқа ташкилотларга қайта ташкил қилинганига беш йил бўлди.<br>Ушбу ҳолатда норматив-ҳуқуқий хужжат матнини амалдаги норматив-ҳуқуқий базага мувофиқ равишда тузатиш лозим бўлади.<br>2. 2-илова 1-бандининг биринчи хатбошисида активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда, шунингдек активларнинг баланс қиймати базавий ҳисоблаш |

| | |
|---|---|
| бўлинмалари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича янги таркибий бўлинма – ички аудит хизмати вужудга келди.<br>7. Республика корпоратив ҳуқуқчилигида акциядорлик жамияти билан тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш ҳамда корхонага унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда дарҳол корхонанинг кузатувчи кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни қайд этиш билан шуғулланадиган алоҳида бўлинма илк бора пайдо бўлди.<br>8. Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш жараёнини норматив тартибга солиш даражаси ва самарадорлиги ошди. | миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида ички аудитни ташкил этиш талаби қўйилган. Ушбу меъёр 2006 йилда, яъни 18 йил олдин ўрнатилган бўлиб, ҳозирги кунда 1 млрд. сўм молиявий рисклар маъносида аҳамияти анча пасайган. Шунинг учун, замонавий нарх тенденцияларини инобатга олган ҳолда ички аудит хизматини ташкил қилиш талабини активларининг баланс қиймати 10 млрд сўмдан ортиқ бўлган корхоналарга қўйиш жойиз бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.11.2022 йилдаги ПҚ-415-сон қарорига биноан 2022 йил 1 декабрдан бошлаб қуйидаги ташкилотларга нисбатан ички аудит хизматларини ташкил этиш талаби бекор қилинган:<br>- масъулияти чекланган жамиятлар, бундан активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган масъулияти чекланган жамият, шунингдек, кредит ташкилоти мустасно;<br>- активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кам бўлган, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари.<br>Аслида доимий равишда иш юритувчи ички аудит хизмати ходимларининг иш ҳақиси билан боғлиқ ноишлаб чиқариш харажатлари корхона зиммасига йилига 100 млн. сўмдан ортиқ харажат юкини келтириб чиқаради. Сир эмаски, айрим акциядорлик жамиятларининг йиллик соф фойдаси 100 млн. сўмдан ортиқ бўлмаяпти.<br>3. 2-илованинг 7-бандида “Ички аудит хизмати ходимларининг сони ... кузатувчи кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланади.” деб аниқланган. Сертификацияланган аудитор нисбатан юқори иш ҳақи оладиган мутахассислар тойифасига киради. Шунинг учун, уларни акциядорлик жамиятига ёллаш иш ҳақига боғлиқ сезиларли харажатларга олиб келади. Шунинг учун, нисбатан кичик корхоналарда ички аудит хизмати учун аудиторларнинг энг кам сонини икки нафар қилмасдан, бир нафаргача тушириш керак. |

**3-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самарадорлиги (фойда ва харажат таҳлили) тўғрисида маълумотлар**

| 8. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши муносабати билан келтирилган фойда ва (ёки) юзага келган харажатларнинг тавсифи: |
|---|---|
| **Харажат ва фойда тури** | **Миқдорий кўрсаткичлар** |

| | | Бир марталик | Даврий |
|---|---|---|---|
| **Бевосита харажатлар** | | | |
| Харажат тури | Манфаатдор томон *(сони)* | Харажат миқдори | Харажат миқдори |
| Бир аудитор иш ҳақиси | Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари<br><br>**85 АЖ + 43 МЧЖ + 158 ДУК = 286 Кор** | | **5000000 сўм * 286 Кор * 12 ой = 17 160 000 000 сўм** |
| Ижтимоий солиқ | | | **18 000 000 000 сўм * 0,25 = 4 290 000 000 сўм** |
| Иш жойини жиҳозлаш (оргтехника,мебель в.б. | | **20 000 000 сўм * 286 Кор = 5 720 000 000 сўм** | |
| Моддий-техник таъминот (канцтовар, коммунал харажатлари, эскириш ва б.) | | | **5 000 000 сўм * 286 Кор = 1 430 000 000 сўм** |
| **Билвосита харажатлар** | | | |
| Харажат тури | Манфаатдор томон *(сони)* | Бир марталик | Даврий |
| - | - | - | - |
| **Маъмурий сарф-харажатлар** | | | |
| Мавжуд эмас | | | |
| **Бевосита фойда** | | | |
| Монетизация қилиш имконияти мавжуд эмас | | | |
| **Билвосита фойда** | | | |
| Монетизация қилиш имконияти мавжуд эмас | | | |
| **Жами фойда ва харажатлар** | | | |
| Фойда | Монетизация қилиш имконияти мавжуд эмас | | |
| Харажатлар | **28,6 млрд сўм** | | |
| Соф жорий қиймат | Монетизация қилиш имконияти мавжуд эмас | | |

**Маълумотлар манбалари: Давлат активларини бошқариш агентлиги.*

| 9. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида тартибга солинадиган тадбиркорлик субъектларининг тоифаси бўйича сони (улуши) ўзгаришининг кўрсаткичлари | |
|---|---|---|
| **Йиллар кесимида** | Акциядорлик жамиятлари сони | Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари |
| 2020 йил | **600** | **286** |
| 2021 йил | **600** | **231** |
| 2022 йил | **600** | **224** |
| 2023 йил | **618** | **240** |

**Маълумотлар манбалари: Давлат активларини бошқариш агентлиги.*

## 4-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рақобат муҳитига таъсири

| 10. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рақобат муҳитига таъсир кўрсатган оқибатлар (салбий/ижобий) тавсифи: |
|---|---|
| Товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг (етказиб берувчилар) доираси ва сонини чеклаши (чекламаслиги) | Хўжалик юритувчи субъектларнинг (етказиб берувчилар) доираси ва сонини чекламайди. |

| | |
|---|---|
| Етказиб берувчиларнинг ўзаро рақобатлашиш имкониятини чегаралаши (чегараламаслиги) | Рақобатлашиш имкониятини чегараламайди. |
| Етказиб берувчиларнинг бозор муносабатларида ўзаро рақобатлашишга қизиқишини пасайтириши (пасайтирмаслиги) | Рақобатлашишга қизиқишни пасайтирмайди. |
| Истеъмолчилар учун керакли ахборотни танлаш имконининг чегараланиши (чегараланмаслиги) | Ахборотни танлаш имконини чегараламайди. |

**5-боб. ТСТБ бўйича ҳисобот муҳокама қилинганлиги тўғрисида маълумот**

| | | |
|---|---|---|
| 11. ТСТБ бўйича ҳисоботни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш натижалари тўғрисида маълумот: | | |
| ТСТБ бўйича ҳисоботни муҳокама қилишнинг идентификация рақами | | |
| ТСТБ бўйича ҳисобот муҳокамага қўйилган давр | Бошланиши | Тугаши |
| | | |
| **Келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижаси** | | |
| Жами таклифлар сони | Қабул қилинган | Рад этилган |
| Таклифлар келиб тушмади. | | |

**6-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотла**

| | |
|---|---|
| 12. | Маълумотлар |
| Мавжуд эмас. | |

**7-боб. Хулоса**

| | |
|---|---|
| 13. | ТСТБдан ўтказиш натижалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тартибга солиш усулларининг амал қилиш мақсадга мувофиқлиги ёки уларни бекор қилиш зарурлиги тўғрисида хулоса. |

Қарордаги айрим талабларнинг амал қилиши тадбиркорлик субъектларига қўшимча харажатларни келтириб чиқармоқда. Шу боисдан, унга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш лозим:

1. Ички аудит хизмати қуйидаги корхоналарда ташкил қилиниши лозим:
   - активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган масъулияти чекланган жамият;
   - активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари.
2. Ички аудит хизмати учун аудиторларнинг энг кам сонини икки нафар қилмасдан, бир нафаргача тушириш керак.

| |
|---|
| 14.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганда тайёрланган ТСТБ бўйича ҳисобот ва ТСТБ тўғрисида хулосалар (мавжуд бўлса) ушбу ҳисоботга илова қилинади. |
| Мавжуд эмас. |
| 15. Мазкур ҳисоботнинг тўғрилиги ва келтирилган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман. |
| Иловалар:<br>Мавжуд эмас. |